(Боши 1,2-бетларда)

Бу тушкун ҳолатдан қутулиш чораларини тез ахтармасак, миллатимизни миллат қилиб турган ўзак хусусиятларимиз емирилади. Аллоҳ сақласин.

Кичкинагина бир мисол. Бундан ўн беш йиллар бурун бирдан узунчоқ нонларга ишқибоз бўлиб қолдик. Қандайдир суюқ хамирдан тайёрланган кучсиз, ғози йўқ пўкак нонлар ўзимизнинг сўлқилдоқ тандирнондан чиройли кўринди кўзимизга. Мамлакат «докахлеб»ларга тўлиб кетди.



# «Текин пишлоқ қопқонда бўлади»

Ҳолбуки, юртимиздан кўчиб кетган битта яҳудий бу пайтда Нуййорк кўчаларида тандир ўрнатиб олиб, иш ахтариб борган ўзбекларга нон ёптириб, қарсиллатиб пул ишлаб ётибди! Нега деганда, тандир ҳам, тандирнон ҳам буюк, дунёда ўхшаши йўқ кашфиёт эканини у билади! Биз бўлсак, янгича шароитда бу кашфиётни янада ривожлантириш, янги технологиялар асосига ўтказиш йўлларини излаш ўрнига хориж усулига маҳлиё бўлиб қолдик...

Хайрият, тандирнонимизнинг афзаллигини тез орада тушуниб етдик. Лекин барибир бу нонни ёпиш усулларимиз ҳали ҳам ўша-ўша даражада – ота-боболаримиз кашф қилган ҳолида қолиб кетяпти.

Шунга қиёсан қаралса, бугун далаларимизда тўла ҳукмронликни памилдорининг, бодрингнинг, тарвузнинг, олманинг, нокнинг фақат бир турига — ирсияти ўзгартирилган, ўзидан уруғ қолдирмайдиган, ясама ва, эҳтимол, саломатликка зарарли турига бериб қўйиш оқибати ўйланмаган иш бўлар эди.

## Диққат, огоҳ бўлайлик!

Оқибат нима бўлиши мумкин?

Дунёдаги бор тирик мавжудотнинг табиий ҳаёти битта мазмунга – уруғ (насл) қолдиришга боғланган. Улар шундай хусусият билан яратилган. Улкан дарахт йил бўйи жимитдеккина уруғ учун ишлайди. Олма дарахтининг ёки тарвуз палагининг мақсади фақат инсонга олма ёки тарвуз мевасини пишириб бериш эмас, балки ўзидан насл-уруғ қолдиришдир. Бу уруғларни хилма-хил шаклли ва турлича мазали мевалар ичида етилтириш қонуниятини йўлга қўйиб, уларни инсон наслининг давомийлигига сабабчи неъмат қилиб бергани Аллоҳнинг ҳикматидандир. Демак:

Биринчидан, уруғ қолдириш қобилияти ўлдирилган, ирсияти ўзгартирилган маҳсулотларни кўпайтиришда ва дунёга ёйишда ҲАЁТ деб деб аталмиш бебаҳо неъматнинг табиий мувозанатига жиддий хатар бор.

Иккинчидан, ўзидан уруғ қолдирмаслик хусусияти сурункали истеъмол натижасида инсон вужудига ҳам сингиб, охир-оқибатда одам ҳам насл қолдириш қобилиятини йўқотиши мумкин.

Учинчидан, саратон ва семириш касалликларининг кўпайишига сабаб бўлиш эҳтимоли кучли. Ўтган йилги маълумотларга қараганда, АҚШда 59 милён киши ёғ босиш касалига чалинган. Бундан бор-йўғи ўн йиллар бурун бу касалликка чалинганлар ҳозиргидан тўрт баравар кам бўлганини ҳамда айни ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб пештахталарни ирсияти ўзгартирилган маҳсулотлар эгаллаганини ҳисобга олсак, шу далилнинг ўзи одамни ўйлаб кўришга мажбур қилади.

Тўртинчидан, акула, чаён, чўчқа, қурт-қумурсқа, ҳар хил микроблар, пашша каби жониворларнинг ирслари (гени) чатиштирилган меваларни давомли ейиш оқибатида болаларимиз ва невараларимиз эртага турли асоратлар билан туғилмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунки бу уруғларнинг тиббий асоратлари лаборатория шароитида махсус таҳлил қилинмаган («Focus»).

Бешинчидан ва балки энг муҳимини «Focus» журнали бундай тушунтиради: «Сиз уруғлик ишлаб чиқарувчи ширкат (ва мамлакат)ларга буткул қарам бўлиб қоласиз. Бундан кейин сиз ўз хоҳишингиз билан эмас, балки уларнинг ҳукми билан ишлашга мажбур бўласиз. Ҳар йили экиш учун улардан уруғ сотиб олишга мажбурсиз, сизда танлаш имкони бўлмайди, қандай уруғ беришса, шуни оласиз, чунки ўзингиздаги табиий уруғлар йўқ бўлиб кетган. Эътибор беринг, чатиштирилган уруғ ишлаб чиқарувчилар бошда бу уруғларини сизга текинга таклиф қилишади. Обдон шу уруғликдан фойдаланишга ўтиб, қўлингиздаги (мамлакатингиздаги) экологик тоза, анъанавий уруғларни йўқотиб бўлганингиздан кейингина уларнинг баҳосини англайсиз, қадрига етасиз. Ирсияти чатиштирилган уруғликлар сизга неча пулга тушганини ўшандагина тушунасиз. Нима учун улар уруғларини бошда текинга беришларининг сабабини энди англагандирсиз?

Ҳа, текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади».

Бундай уруғликлар ишлаб чиқарувчи «Monsanto» ширкати "Focus" журналининг ишорасига кўра, Америко қишлоқ хўжалиги вазирлигига эмас, балки мудофаа вазирлигига тобе экани, яъни, бу ясама уруғларни дунёга ёйиш вазифасини мудофаа вазирлиги елкасига олгани ҳам изоҳга ҳожат қолдирмайдиган бир ҳолдир.

## Кичкинагина хулоса

Энг лўнда хулоса шуки, бу ишларнинг таги шилта. Шилта бўлмаса, бу масала ҳозир бутун Оврупада, балки бутун дунёда бунчалик («EURONEWS» кўрсатувини кузатиб боринг) қизғин тортишувларга сабаб бўлмас эди. Демак, ҳали кеч бўлмасидан туриб, биз ҳам бу муаммога эътиборимизни қаратайлик. Фанлар Академияси, Қишлоқ ва сув хўжалик, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Аграр университети, Уруғчилик илмий тадқиқот институти ҳамда бошқа мутасадди идоралар уруғчилик соҳасида дунёда ва мамлакатимизда юзага келган вазиятни жиддий таҳлил қилиб, илмий хулосаларини берсинлар. Шунга кўра биз хотиржам, халта кўтариб, бозорга тушайлик.

Қолаверса, тобора дунёни эгаллаб бораётган ясама уруғлар ҳақидаги тортишувлар қандай натижа билан тугашидан қатъи назар, асрлардан бери тупроқларимизга мослашган ва ота-боболаримиз асраб-авайлаб, бизгача етказиб келган ўзимизнинг жайдари уруғлар кейинги қисқа вақт ичида, шундоққина кўз ўнгимизда, йилдан-йилга йўқолиб бораётгани ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Бу йил ҳам бозорларимизда эски нав бодринг-памилдори ё тарвузлар яккам-дуккам кўринди. Кўзларимизга суртиб, уйларимизга олиб бордик, болаларимизга едирдик, эслатдик, танитдик. Лекин эртага-чи? Эрта бир кун тағин қўлда бўш халта билан, бозорнинг қоқ ўртасида, бир хил бодринг, бир хил памилдори, бир хил олма, бир хил нок, бир хил тарвузлар қуршовида, теваракка олазарак қараб: "Ўзимизнинг «мармар»у «аштархон», «олачопон»у «қорачопон»лар қани?! Нашватию жоноқи, «олмаки»ю «ўзбекистон» қани?!" деб қолмайлик.

## Энг охирги хабар

Ушбу мақолани тайёрлаш ниҳояланаётганда Россиянинг "Труд" газетасида мана бу қисқа хабар чиқиб қолди: "Умумхалқ референдуми натижасига кўра, Швейцария ҳукумати ирсияти ўзгартирилган маҳсулотларни мамлакатга олиб киришни, шунингдек, далаларида бу чатиштириб етиштирилган ўсимлик (уруғ)ларни экишни беш йилга тақиқлашга қарор қилди".

**Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**
**Муҳтарам газетхон, бу ҳақда Сизнинг фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.**

# Нурчилар таянчи



***Халқ хўжалигининг барча соҳаси ривожланишини, аҳолининг турмуш даражасидаги тўкисликни электр энергиясиз тасаввур қилиш қийин. Яъни, бир сўз билан айтганда, электр энергияси бугунги даврда ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.***

Соҳанинг равнақ топишида электр энергияси таъминоти билан шуғулланувчи корхоналарнинг бир меъёрда, сифатли ва узлуксиз хизмат кўрсатиши эса бевосита замонавий технология, техника ва ускуналарга боғлиқ.

Чирчиқ шаҳридаги "Элус" илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг (ишлаб чиқариш майдони қарийб 22000 м²дан иборат) айнан шу тармоқни ривожлантиришга, зарур техника воситалари билан таъминлашга қўшаётган ҳиссаси каттадир. Нимстанциялар учун трансформаторлар ва бошқа жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу корхонада 300 нафарга яқин ишчи ва хизматчилар меҳнат қилишади. Уларнинг 27 нафари малакали конструктор ва технологлардан иборат.

Корхонадаги синов маркази Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг шаҳодатлаш гувоҳномасига эга. Бу эса, ўз ўрнида, корхонада ишлаб чиқариш салоҳиятининг янада ортиб боришига, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга қўл келаётир. Бу ерда юқори кучланишли электр тармоқларида ишлатиладиган, қуввати 25 киловаттдан 25000 киловаттгача бўлган юқори кучланишли трансформаторлар ва юқори кучланишда ишловчи разеденителлар трансформатор токалар ва тақсимловчи шкафлар, ТФЗМ сериясидаги ток трансформатори, нимстанцияларнинг трансформатор жамланмалари ва бошқа электр энергияси тармоқларида қўлланиладиган ускуналар ишлаб чиқарилади.

Корхона келгусида ўз маҳсулотларини экспортга чиқариш режаси бўйича фаолият юритаётир. "ЭЛУС" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси яқин келажакда нимстанциялар учун юқори кучланишли, аъло сифатли трансформаторлар ишлаб чиқаришга асосий эътиборни қаратмоқда. Ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар "Ўздавстандарт" агентлигидан рўйхатдан ўтган бўлиб, барча техник талабларга тўлиқ жавоб беради.

Маълумки, бозор муносабатлари, унда иштирок этиш тамойиллари ва замонавий технологиялар ривожи ҳамкорлик билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Электротехника ускуналарини ишлаб чиқаришда бутловчи қисмлар таъминотини кенгроқ йўлга қўйиш ва маҳсулот турларини кўпайтириш учун Россия Федерацияси ва Украинадаги турдош корхоналар ҳамда Корея Республикалари билан ўзаро хўжалик алоқаларини янада мустаҳкамлаган корхона мазкур давлатлардан бутловчи ускуналар олади. Бу йўналишдаги ишлар ҳамкорлар билан келгусида ҳам корхона негизида алоҳида бўлимлар очиб, биргаликда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган.

## Интилиш

Корхонага қарашли конструкторлик-лойиҳа бюросида доимий равишда илмий ва амалий изланишлар олиб борилади. Яъни, келгусида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар синовдан ўтказилади, техник ҳужжатлари тайёрланади. Корхона мутахассислари ишлаб чиқаришга янги ускуналарни татбиқ этиш, синаш ишларини Тошкент Давлат техника университетининг профессор-ўқитувчилари билан биргаликда ўтказадилар.

- Корхона томонидан маҳсулотлар сифатини яхшилаш бўйича қилинаётган саъй-ҳаракатлар натижасида йилдан-йилга буюртмачилар сони ортиб бораётир. Бугунги кунда "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзкимёсаноат" ДАК, "Ўзбекнефтгаз" МХК, "Ўзбекистон темир йўллари", Қишлоқ ва сув хўжалиги каби вазирлик ва ташкилотларга қарашли корхоналар "ЭЛУС"нинг асосий буюртмачиларига айланган. Чунки бу ерда тайёрланаётган турли қувватдаги электр тармоқлари учун хизмат қиладиган трансформатор ва бошқа электротехника ускуналари хорижда ишлаб чиқарилган шундай турдаги маҳсулотлардан асло қолишмайди, – дейди биз билан суҳбатда Бош директор Қуронбой Бекчонов. – Айни пайтда хорижга ҳам юқори кучланишда ишловчи турли хилдаги трансформаторлар ва электр ускуналарини етказиб бермоқдамиз.

"ЭЛУС" нимстанциялар учун трансформаторлар етказиб бериш учун республикада ўтказиладиган тендерларнинг доимий қатнашчиси. Бир неча бор йирик қурилиш ва иншоотлар бўйича ўтказилган тендерларда ютиб чиққан. Жумладан, Қўнғирот сода заводи, Арнасой сув омбори, "Қамчиқ" довони ва "Чорвоқ-Чимён" дам олиш зоналарини электр ускуналари билан таъминлаш айнан шу корхона зиммасига юклатилган эди ва улар буюртмачиларнинг ишончини тўла-тўкис оқладилар. Бунга асосий сабаб, корхона маҳсулотларининг нисбатан арзонлиги, тайёрлаш ва ўрнатишдаги имтиёзлар ҳамда сифатига кафолатдир. Умуман, "ЭЛУС" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бугун мамлакатимиз энергетикларининг энг ишончли ҳамкорига айланган.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА**

# Наманган томонларда

## Янги иншоот

***Наманган шаҳрининг Чорсу ва Ғишткўприк даҳалари туташган мавзеда бир нечта осма кўприк ва ер ости йўли бунёд этилиши режалаштирилмоқда.***

Мазкур иншоотлар шаҳарнинг қоқ марказидаги Намангансой соҳилига гўзаллик ва салобат бағишлайди, шу нуқтада кесишган тўртта кўчада пиёдалар ва транспорт ҳайдовчилари учун қулайлик яратади. Бу ерда 1,5 миллиард сўмдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган.

## Ташаббус

***Учқўрғон шаҳридаги 1-мактабнинг бир гуруҳ собиқ синфдошлари ўзлари ўқиган ушбу билим даргоҳини таъмирлаб беришди.***

Ушбу ташаббус бир зумда оммалашиб, 8-, 9-мактабларнинг, 38-мактаб-интернатнинг собиқ ўқувчилари ҳам ишга киришиб кетдилар. Қисқа давр мобайнида ўнга яқин мактаб қачонлардир ҳамсабоқ бўлган ҳимматли инсонлар саъй-ҳаракати билан оҳорли тус олди. Айни кунларда 24-мактабни битирганлар ҳам ҳаракатга тушиб қолишган.

## Пешқадам эътиборда

***Янгиқўрғон туманидаги "Гулшан" ширкат хўжалиги ўз ҳудудидаги учта мактабнинг таъмир-қурилиш ишларига қарийб 150 миллион сўм маблағ сарфлади.***

Шунингдек, ширкат хўжалиги мутасаддилари ҳар бир мактабнинг энг пешқадам ўқитувчи ва ўқувчисини мукофотлаб боришни йўлга қўйдилар. Ширкат ҳисобидан бериладиган ушбу мукофот миқдори анчайин "залворли" бўлиб, энг кам иш ҳақининг 12 баробарини ташкил этади.

**Р.УММАТОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Хабарлар

## Кўпнинг дуоси кўл

***Жондор туманидаги "Содиқ Раззоқ" фермер хўжалиги 21-ўрта мактабга 350 минг сўмлик спорт жиҳозлари олиб берди.***

Қишлоқ футбол жамоасига ҳам Адҳам Аҳмедов бошчилигидаги фермер хўжалиги ҳомийлик қилаяпти. У Сепатта қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи эҳтиёжманд оилаларга ҳам мададкор бўлаяпти. Кўпнинг дуоси кўл деганларидек, фермер бултур пахтадан мўл ҳосил етиштириб, катта даромад кўрди.

## Олимпиада сари йўл

Алматида физика ва математика бўйича бўлиб ўтган II-Жаутиков халқаро фан олимпиадасида Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари Ўткир Болтаев ва Жасур Кўчқоров муваффақиятли иштирок этиб, кумуш медални қўлга киритдилар. Бу ютуқ вакилларимизга шу йил ёзда Словенияда ўтиши кутилаётган жаҳон фан олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# СОТИБ ОЛИБ, ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

Республика кўчмас мулк биржасининг Навоий вилоят филиали аукцион комиссияси иштирокида объектнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдолар 2006 йил 4, 6, 9 март кунлари Хатирчи туманидаги қайта ташкил этилаётган А.Ҳалимов номли ширкат хўжалигининг маъмурий биносида ўтказилади. Ёпиқ аукцион соат 12.00 да бошланади.

Ёпиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:

| Т/р | Мулк номи | И.ч. йили | Бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|
| 1 | "ГАЗ-52-03" р.д.б. 21 АС 349 автомашинаси | 1969 | 150 000 |
| 2 | "ГАЗ-51" А р.д.б. 21 АС 331 автомашинаси | 1972 | 160 000 |
| 3 | "ГАЗ-51" р.д.б. 21 АС 336 автомашинаси | 1959 | 100 000 |
| 4 | "ГАЗ-51" А р.д.б. 21 АС 353 автомашинаси | 1973 | 165 000 |
| 5 | "ГАЗ-53" р.д.б. 21 АС 344 бен.автомашинаси | 1977 | 1 450 000 |
| 6 | "ГАЗ-53" р.д.б. 21 АС 335 бен.автомашинаси | 1984 | 240 000 |
| 7 | "ГАЗ-53" р.д.б. 21 АС 345 автомашинаси | 1974 | 150 000 |
| 8 | "ЗИЛ ММЗ 4502" р.д.б. 21 AD 924 автомашинаси | 1977 | 450 000 |
| 9 | "ЗИЛ-130" р.д.б. 21 AD 925 автомашинаси | 1966 | 180 000 |
| 10 | Т-28х4 р.д.б. 79-04 трактори | 1986 | 450 000 |
| 11 | ТТЗ-100 р.д.б. 42-92 трактори | 1998 | 2 600 000 |
| 12 | ТТЗ-100 р.д.б. 51-09 трактори | 1998 | 2 600 000 |
| 13 | ТТЗ-100 р.д.б. 18-89 трактори | 1998 | 2 600 000 |
| 14 | Т-28х4 р.д.б. 42-96 трактори | 1983 | 450 000 |
| 15 | Т-28х4 р.д.б. 61-71 трактори | 1986 | 610 000 |
| 16 | Т-28х4 р.д.б. 79-01 трактори | 1987 | 450 000 |
| 17 | Трактор тиркамаси | 1987 | 260 000 |
| 18 | Трактор тиркамаси | 1987 | 260 000 |
| 19 | Т-28х4 р.д.б. 79-08 трактори | 1990 | 450 000 |
| 20 | ТТЗ-80 р.д.б. 79-10 трактори | 1995 | 800 000 |
| 21 | 9-бригада дала шийпони биноси | – | 1 300 000 |
| 22 | 10-бригада дала шийпони биноси | – | 1 400 000 |
| 23 | 14-бригада дала шийпони биноси | – | 850 000 |
| 24 | Марказий омборхона биноси | – | 5 580 000 |
| 25 | 15-бригада дала шийпони биноси | – | 3 805 000 |
| 26 | 2-бригада дала шийпони биноси | – | 1 850 000 |
| 27 | Амбулатория биноси, кўмирхонаси билан | – | 1 350 000 |
| 28 | Чойхона гараж ёнида | – | 706 000 |
| 29 | 13-бригада дала шийпони биноси | – | 850 050 |
| 30 | Сартарошхона гараж ёнида | – | 155 000 |
| 31 | Компьютер принтери билан | – | 250 000 |
| 32 | Барана | – | 350 000 |
| 33 | "Северянка" тикув аппарати | – | 156 000 |
| 34 | "Алесия" тикув аппарати | – | 185 200 |
| 35 | "Чернианка" тикув аппарати | – | 102 500 |
| 36 | 3-бригада Насос СНП 5080 | – | 380 000 |
| 37 | Электр насос (кап.ремонт) | – | 125 600 |
| 38 | Т-4 трактори | 1988 | 950 000 |

Ёпиқ аукцион савдосида фақатгина А.Ҳалимов номли ширкат хўжалиги ишчи-ходимлари қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ёпиқ аукцион ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- кўрсатилган мулкларни сотиб олиш учун ариза;
- савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига объект бошланғич баҳосининг 10% (фоиз) миқдоридаги гаров пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
- харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Аризалар савдо бошланишига 1 соат қолгунга қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй.

Тел.: 224-15-61, 224-64-31

# Кунчиқар юрт тажрибаси



***Япония деганда, кунчиқар юртнинг кўркам шаҳарлари, бир-бирини кесиб ўтган узун-узун кўприклару равон йўллар кўз олдимизга келади. 4 мингга яқин ороллардан иборат Японияда ҳозирда 130 миллион киши истиқомат қилади. Умумий майдони 377,4 минг кв. километр. Бугун биз Япониянинг аграр соҳадаги ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.***

Япония қишлоқ хўжалиги қарийб 2000 йиллик тарихга эга бўлиб, ерларга ишлов бериш Корея орқали Хитойдан кириб келган. Шу даврдан бошлаб, дон маҳсулотлари ҳамда сабзавот етиштириш йўлга қўйилди. Уларнинг иш қуроли тош ва ёғочдан ясалган. Бу эса деҳқонларга бирмунча қийинчиликлар туғдирган. Мамлакатга хориждан металлни қайта ишлаш технологияси кириб келгандан сўнг аграр соҳа тез суръатларда ўсди.

## Бирни кўриб фикр қил...

Мамлакатнинг майдони 4692000 гектар унумдор ерлар ҳисобланади. Айни дамда бу ерда 3120215 оила қишлоқ хўжалиги юмушлари билан банд. Агар ҳар оилада ўртача 4 киши бор, деб ҳисобласак, 12,5 миллион аҳоли аграр соҳада фаолият юритмоқда. Бу эса бутун Япония аҳолисининг 10 фоизидан ҳам камроқ, деганидир.

Шуни айтиш жоизки, XV асрдаёқ қишлоқ хўжалигига оид илк қўлланма нашр этилган. Йиллар ўтиб японлар Европа ва бошқа давлатларнинг биотехнологиясини ўзларига татбиқ этишди. Афсуски, Япония ерлари ва иқлими ғарб мамлакатларидан фарқли бўлганлиги учун келтирилган механизмлар ҳеч қандай самара бермади. Шунинг учун японлар ўз иқлимига мос бўлган экинлар ҳосилдорлигини оширишга ҳаракат қилишди ва бунга эришишди ҳам. Шулардан бири шоли ҳисобланади.

Ҳозирда дунё бўйича 500 миллион тонна гуруч етиштирилса, шунинг 15 миллион тоннаси Япония улушига тўғри келади. Бу Япония ички эҳтиёжларини тўла қондиради. Гуруч японлар энг кўп истеъмол қиладиган озуқадир. Ҳатто бир кунда 3 маҳал ҳам гуручли таом ейишлари улар учун оддий ҳол. Шунингдек, японлар гуручдан ҳар хил ширинликлар, нон ва япон шароби – сакэ ҳам тайёрлашади.

Япониянинг 54,5 фоиз ерида шоли, бошқа жойларида эса полиз ва сабзавот экинлари етиштирилади. Сабзавотлар билан Япония ўз аҳолиси эҳтиёжининг 86 фоизини қоплай олади, меваларга бўлган талабнинг 47 фоизини етиштириб бериш имконига эга. Сут маҳсулотларининг 72 фоизини, буғдойнинг бор-йўғи 7 фоизгинасини ички имконият ҳисобидан қондира олади. Табиийки, маҳсулотларнинг қолган қисми четдан келтирилади.

Японияда шоличиликнинг ўзига хос мактаби бор. Гуручни ерга қадашдан олдин гуруч тузли сувга солиб қўйилади. Сўнг уруғнинг чидамлилигини ошириш учун унга махсус дори қўшилади. Бу амалдан кейин гуручнинг оғири чўкади, пучи эса сув сатҳида кўтарилиб қолади. Тўйинган шолини махсус 10 сантиметр қалинликда тупроқ солинган махсус идишларга сепилади. Сўнг униб чиққунча иссиқ хоналарда сақланади. Хона ҳарорати бир меъёрда ушлаб турилади.

Ниҳол униб чиққунга қадар шоли майдони экишга тайёрлаб, сув билан тўлдирилади. Сўнг махсус экиш машинасида шоли кўчатлари ерга битталаб қадаб чиқилади. Бу тадбир ҳар бир минтақанинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда март ойида бошланиб, то июнгача давом этади. Яъни, илк бор Япониянинг жанубий ҳудудларида, кейинроқ шимолий-шарқ томонларда шоли ундирилади.

Август ойига келиб шоли гуллай бошлайди. Бу сентябр ойида ҳам давом этади. Шуниси қизиқки, шолининг гули 2 соатгина очилиб турганидан сўнг тўкилиб кетади. Шу асnoда гуруч "кун еб" пишиб, етилиб боради.

Ҳосилга жанубий ҳудудларда сентябр ойида, шимолда эса октябр ойида ўроқ тушади. Йиғиб олинган ҳосил қуритиш хоналарига жўнатилади. У ерда гуруч қуритилиб, сифатларга ажратилади. Булар – олий сифат, ўрта ва охиргиси уруғликка бўлинади. Япон гуручи шу асnoда етиштирилади. Ҳатто Япония императорининг ўзи ҳам ҳовлисида шоли ўстирар экан.

**Бобур МУХАММАДИЕВ**

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ
сотади:
енгил машиналар учун, енгил юк ташувчи машиналар учун, оғир юк ташувчи машиналар учун, қишлоқ хўжалиги техникаси учун
Тел: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21
аккумуляторларни
WESTA
Шиналар ва аккумуляторлар буюртма бўйича 30-35 кун ичида Украина ва Россиядан келтирилади.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., Дўстлик шоҳ кўчаси, 1-А уй. Тел (3692) 24-56-60
Андижон ш., Мирпустин к., 20-уй. Тел: (3742) 24-04-88
Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел: (37357) 2-19-06
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел: (37622) 2-45-85.

Аҳоли, савдо корхоналари раҳбарлари, тадбиркорлар диққатига!
"Чирчиқгўшт"
«Чирчиқгўшт» комбинати аҳолидан чекланмаган миқдорда қорамоллар ва чўчқаларни келишилган нархларда сотиб олишини маълум қилади.
Бундан ташқари, савдо корхоналари, тадбиркорлар сифатли колбаса маҳсулотларини исталганча харид қилиши мумкин.
Мурожаат учун тел.: 176-22-77 (Тошкентда); 371-71; 25-5150 Факс: 563-14 (Чирчиқда)

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!
Ихтисослаштирилган кимошди савдоларини ташкил қилиш ташкилоти "AUKSION-INVEST" 2006 йил 2, 9, 16, 23, 30 март кунлари соат 10.00 да кимошди савдоларини ўтказади.
Савдога қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилади:
1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими томонидан тақдим этилган "Ризо" хусусий фирмасига тегишли Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент қишлоғида жойлашган "Орзу" болалар лагери бино ва иншоотлари, бошланғич нархи 143920000 сўм.
Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 42-46-23.
Ташкилотнинг гувоҳномаси № 000530

OAO "TOSHKENT SHAHAR YO'L QURILISH VA TA'MIRLASH TRESTI"
сообщает:
Информация о существенном факте (порядковый номер сообщения – 07)
Наступление даты закрытия реестра.
Решения о дате, закрытия реестра акционеров принято на заседании Наблюдательного Совета общества, проводимого 20 января 2006 года;
Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг – 10.02.2006 г.
Информация о созыве внеочередного годового собрания акционеров.
14 марта 2006 года в 15.00 час состоится общее собрание акционеров ОАО "Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti" по адресу: г.Ташкент, ул.Хамал, 29.
Список акционеров, имеющих право на участие во внеочередном годовом собрании акционеров, составлен по данным реестра акционеров закрытым по состоянию на 10.02.2006 г.
ПОВЕСТКА ДНЯ:
1. Отчет исполнительного органа по итогам финансово-хозяйственной деятельности общества за 2005 г.
2. Отчет аудитора общества.
3. Отчет ревизионной комиссии.
4. Утверждение бухгалтерского баланса и отчета о доходах и расходах общества за 2005 г.
5. О распределении прибыли общества.
6. Утверждение бизнес-плана общества на 2006 год.
7. Переизбрание руководителя исполнительного органа общества.
8. Переизбрание состава Наблюдательного Совета.
9. О выплате вознаграждений членам Наблюдательного Совета в период исполнения ими своих обязанностей.
10. Об утверждении изменений и дополнений в Устав общества.
11. О реализации проекта "Модернизация асфальтового завода и закупка оборудования для строительства и содержания дорог г.Ташкента"
Регистрация участников собрания проводится с 14.00 час по выше указанному адресу. При себе иметь паспорт или удостоверение личности, а представителям акционеров нотариально заверенные доверенности.
Справки по телефонам: 93-08-70

